



MILLIY TIKLANISH

53 (425)

2016 йил 26 ноябрь, шанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий тикланиш — миллий ўзликни англаш демакдир!

Юзма-юз

Ишончли вакил сайловчилар билан учрашди

Мамлакатимизда 2016 йилининг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига саноқли кунлар қолди. Сайловолди ташвиқоти охирига бораётган шу кунларда жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, сайловолди Дастурда белгилаган мақсад-вазифалар, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини кенг тарғиб-ташвиқ қилмоқда. Юрtdошларимизнинг Президентлик сайловига уншқоқлик, ҳамжихатлик, масъулият билан ҳозирлик кўраётгани мазкур тадбирларида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг ишончли вакили, Тошкент давлат юридик университети профессори Феруза Муҳитдинова Тошкент шаҳридаги сайловчилар билан учрашувларида номзод Дастурида илгари сурилаган асосий йўналишлар моҳиятини ҳаётий мисоллар воситасида кенг тарғиб қилди. Ана шундай учрашувларнинг навбатдагиси Тошкент Матбаа-ноширлик касб-хунар коллежиде бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, "Хадра" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ўқув муассасаси ўқитувчилари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Матбаа-ноширлик касб-хунар коллежи директори Нодира Тўйкулова очиб, ушбу муҳим сиёсий тадбир мамлакатимиз келажиги, эртанги кунимиз билан бевосита боғлиқ жараён эканини, шу боис ҳар бир фуқаро сайловда фаол иштирок этиб, юртимизнинг келгусидаги тараққиётга ўз ҳиссасини қўшиши лозимлигини таъкидлади. Ушбу коллежда таҳсил олаётган йигит-қизларнинг 150 нафардан ортиғи бу йил биринчи марта сайловда иштирок этади.

> 2-бет.



Ватан тақдирига дахлдорлик — тараққиёт омили

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мамлакат иқтисодиётининг муҳим таянчи

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 23 ноябрь кунини Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Баҳром Мамажонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари Сарвар Назарқосимов

йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди Дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Жиззах вилояти ўзининг гўзал ва бетакрор табиати, бой табиий ресурслари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигидаги улкан салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди, — деди Сарвар Отамуратов. — Вилоятда 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсди. Кейинги беш йилда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,9 марта кўпайиб, ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши 17 фоиздан 21 фоизга етди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Охириги беш йилда 4 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 8 минг 500 тага етди. Бугунги кунда ушбу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80 фоизни, экспортдаги ҳиссаси 87 фоизни ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан Жиззах вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгариш ва янгиланишлар рўй берди. Айниқса, "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, саноат тармоқларини равнақ топтиришда янги босқични бошлаб берди.

Номзод Дастурда аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш ижтимоий соҳадаги устувор стратегик мақсад сифатида белгилаганини таъкидлади.

> 2-бет.

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

"Менинг овозим Ватаним келажигига дахлдор!"

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Бугун ижтимоий фаол ёшларимиз Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда. Йигит-қизларимиз юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётди.

Шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 637 мингга яқин йигит-қиз илк бор овоз беради. Шу боис, ёшларнинг, айниқса, ушбу муҳим жараёнда илк бор овоз берадиган йигит-қизларнинг сайлов қонунчилигига оид билим ва тушунчаларини мустаҳкамлаш мақсадида жойларда давра суҳбати, семинар-тренинг, тадбир ва танловлар ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" айна шу мақсадда "Сайлов — демократия кўзгуси" лойиҳаси доирасида "Менинг овозим Ватаним келажигига дахлдор!" мавзусида иншолар танлови ўтказди. Унда Ширин шаҳридаги Энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчилари қатнашди. Иншо-лар танловида голиб бўлган ёшларнинг сайлов жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

> 3-бет.

25 ноябрь кунини Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди. Видеоконференциялоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Номзодлар ва оммавий ахборот воситалари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун ва Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низоом талабларига қатъий амал қилмоқда. Сайловолди ташвиқотининг ўтган даврида сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари қайд этилмади.

Мажлисида овоз беришга тайёргарлик кўриш

Сайловолди ташвиқоти

тенглик тамойили асосида ўтмоқда

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситалари орқали сайловолди ташвиқотининг мониторинги натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ фойдаланаётгани, улар учун тенг шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Номзодлар шу йилнинг 28 октябрдан бошлаб мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз ғоя ва қарашлари, таклиф ва ташаббуслари акс этган сайловолди Дастурларини сайловчилар, кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган ташвиқот тадбирларини олиб бормоқда. Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари барча сайлов округида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинмоқда.

масалалари, халқаро ва хорижий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари-ни аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, бугунги кунга қадар сайлов кампаниясини ёритиш учун Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 300 нафардан зиёд ходими аккредитациядан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари уларни зарур ахборот материаллари билан таъминламоқда, матбуот анжуманлари, брифинг ва семинарлар ташкил этмоқда.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Аҳмад ЮСУПОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири



Нигора КАРИМБОЕВА, актриса:

— Миллий кадриятларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда санъатнинг ўрни бекиёс. Бу жараёнда фаоллик кўрсатиш, ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш биз, санъаткорлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



